

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.30.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

АХМЕДОВ ХАЛМУРАД САДУЛЛАЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТУРЛИ ИҚЛИМ-ГЕОГРАФИК ВА ЭКОЛОГИК
ХУДУДЛАРИДА РЕВМАТОИД АРТРИТ ЎЗИГА ХОС КЕЧИШИ ВА
ОЛДИНИ ОЛИШДАГИ ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА
ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Ахмедов Халмурад Садуллаевич

Ўзбекистоннинг турли иқлим-географик ва экологик

худудларида ревматоид артрит ўзига хос кечиши ва олдини

олишдаги чора-тадбирларни такомиллаштириш 3

Ахмедов Халмурад Садуллаевич

Особенности течения ревматоидного артрита в различных

климато-географических и экологических зонах Узбекистана и

пути оптимизации профилактических мер 27

Akhmedov Khalmurad Sadullaevich

Peculiarities of course of rheumatoid arthritis in various climactogeo-

graphic and environmental zones of Uzbekistan and ways of

optimization of preventive measures 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 55

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.30.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

АХМЕДОВ ХАЛМУРАД САДУЛЛАЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТУРЛИ ИҚЛИМ-ГЕОГРАФИК ВА ЭКОЛОГИК
ХУДУДЛАРИДА РЕВМАТОИД АРТРИТ ЎЗИГА ХОС КЕЧИШИ ВА
ОЛДИНИ ОЛИШДАГИ ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА
ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/Tib.1 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертацияси Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус) веб-саҳифасида www.tma.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziyounet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Гадаев Абдиғаффор Гадаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Йилихаму Туохети (Хитой Халқ Республикаси)
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Хамраев Аброр Асрорович
тиббиёт фанлари доктори

Алияхунова Мавжуда Юсупахуновна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

**Тошкент врачлар малакасини ошириш
институту**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109 Тошкент, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел/факс: (+998 71) 1507825, e-mail: tta2005@mail.ru).

Докторлик (DSc) диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент, Фаробий кўчаси 2-уй. ТГА 2-ўқув бино «б» корпуси, 1-қават, 7-хона. Тел./факс: (99871)- 150-78-14.

Диссертация автореферати 2017 йил «_____» _____ да тарқатилди.
(2017 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

С. И. Исмаилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси ўринбосари, т.ф.д., профессор

Б. Х. Шагазатова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, т.ф.д., профессор

А. Л. Аляви

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё аҳолиси орасида ревматоид артрит (РА) касаллигининг асорати оқибатида кузатиладиган ногиронликка бўғим тузилишининг ўзгариши, яъни ундаги анкилоз, деформация ва контрактура ҳамда унинг функционал етишмовчиликлари сабаб бўлмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра йилига дунёда 20 млн. одам РА билан касалланади, улардан 50-55 % биринчи 5 йил ичида ногиронликка учраши қайд этилган¹. Шу боис РА масаласи бугун тиббиётдаги ечими топилиш зарур бўлган жиддий муаммо ҳисобланади.

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб аҳолига самарали тиббий хизмат кўрсатишни таъминлаш натижасида, аҳолининг турли қатламлари орасида РАни аниқлаш, ўз вақтида даво муолажалари қўллаш туфайли беморларнинг ишлаш қобилиятини тиклаш, таянч ҳаракат тизимидаги яққол ўзгаришлар ва касалликнинг асоратлари профилактикаси юзасидан муайян натижаларга эришилди. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг маълумотларига кўра, «таянч ҳаракат тизими касалликларнинг аҳоли орасида тарқалиши 15% дан 10 %гача камайганлиги аниқланган»².

Жаҳон миқёсида клиник тиббиёт амалиётида РАни турли иқлимий-географик ва экологик ҳудудларида ўзига хос кечиши ва олдини олишдаги чора-тадбирларни такомиллаштириш юзасида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда, бу борада, РАни кечишининг атроф-муҳит салбий омиллари орасидаги боғлиқлигини асослаш; РАнинг клиник кечиши, бўғим синдроми, бўғимдан ташқи кўриниши ва юзага келадиган оқибати, коморбидлигини ривожланиши, репродуктив саломатлик ҳамда иммункомпетент ҳужайралардаги дифференцирловчи антигенлар экспрессиясига ташқи муҳит омилларнинг салбий таъсирини исботлаш; касалликнинг фаоллаши ва беморлар ҳаёт сифатини ёмонлашувидаги бўғимда ўзгаришларни ўзига хос хусусиятлар ролини аниқлаш; турли ҳудудлардаги касаллик кечишининг ўзига хослигида патогенетик асосланган даволаш усуллари ҳамда келиб чиқадиган асоратларни олдини олиш механизмини ишлаб чиқиш кабилар алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ–3923-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги» Фармони ва 2011 йил 28 ноябрдаги ПҚ–1652-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган

¹ ЖССТ Европа региониди асосий саломатлик кўрсаткичлари. ЖССТ, 2014 йил.

² Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2009-2015 йилги ҳисоботлари.

вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³.

Турли иқлимий-географик ва экологик ҳудудларида ревматоид артрит ўзига хос кечиши, ташхислаш, даволаш ҳамда олдини олишдаги чоратадбирларни такомиллаштиришига йўналтирилган қатор илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Stanford University Medical Center (АҚШ), University of Wisconsin Madison (АҚШ), Medizinische University Wien (Австрия), University of Vienna (Австрия), Revmogeoepidemiology (АҚШ), European Consortium on Rheumatoid Arthritis Families (Австрия), University Hospitals of Geneva (Швейцария), University Hospital (Дания), Institute of Rheumatology (Чехия), Россия ревматология институти (Россия) ва Тошкент тиббиёт академиясида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Ревматоид артритнинг турли минтақаларда тарқалиши, кечиши ҳамда профилактикасини мувофиқлаштириш бўйича амалга оширилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: касаллик тарқалиши айнан, у ёки бу ҳудуднинг экологик ҳолатига боғлиқлиги аниқланган (Stanford University Medical Center (АҚШ)); атмосфера ҳавосидаги кремнийнинг юқори кўрсаткичлари РА ва тизимли қизил волчанка ривожланишидаги хавф омили сифатида ўрни исботланган (Stanford University Medical Center, (АҚШ)); баъзи кимёвий моддалар даражаси РАнинг патогенетик механизмларига таъсири аниқланган (Medizinische University Wien (Австрия)); ноқулай табиий иқлимий шароитлар таъсирида иккиламчи иммун танқисликнинг ривожланиши РАни келиб чиқишининг триггер механизмидаги ўрни исботланган (European Consortium on Rheumatoid Arthritis Families (Австрия)); РА клиник кўринишининг илк даврида ўзига хослиги, касалликнинг кечиш характери ва унинг айрим оқибатларини турли популяциялар орасида этник келиб чиқишига боғлиқлиги асосланган (University of Vienna (Австрия)).

Дунёда РАга ташқи муҳит омилларининг аҳамиятини мукамал ва батафсил ўрганиш бўйича қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: касалликнинг патологик жараёнига таъсир этиш имкониятининг мақбул йўллари ва даволаш усулларини ишлаб чиқиш; РАда экологик омиллар туфайли юзага келадиган оқибат ва асоратларни

³Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: <http://link.springer.com/>; <http://rheumatology.oxfordjournals.org/>; <http://rheumatology.stanford.edu/>; www.meduniwien.ac.at/web/en/; <https://www.all-acronyms.com/>; <http://www.oxfordjournals.org/>; <http://onlinelibrary.wiley.com/doi/10.1002/art.30129/full> ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

прогнозлаш; жинсий гормонлар бузилишларини бартараф қилиш йўллари ишлаб чиқиш; касалликни кечишини яхшилаш ҳамда беморларнинг ҳаёт сифатини оширишда профилактикани мувофиқлаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги вақтда жаҳонда РАнинг патогенетик механизмлари тўғрисида етарлича илмий тушунча шаклланган. Касалликдаги кузатиладиган бўғим синдроми, унинг рентгенологик кўриниши ва функционал ҳолати ҳамда бўғимдан ташқи тизимли кўриниш даражаси иммун бузилишларга боғлиқлиги исботланган (Feldmann M., 2001, Bombardieri S., 2007). Бунда аутоиммун жараён негизида юзага келадиган иммун яллиғланишни ривожланиш механизмлари аниқланган (Ledingham J., 2001, Felson D. et al., 2011, Насонов Е. Л., 2014). РАда бўғимларда яққол ўзгаришларни олдини олиш ва касалликнинг узок ремиссиясига эришишда базисли антиревматик препаратларининг эрта қўлланишида ўрни асосланган (Насонов Е. Л., Каратеев Д. Е., Чичасова Н. В., 2014). Адабиётдаги манбаларга кўра замонавий базисли инновацион ген-инженер биологик препаратлардан кенг фойдаланиш касалликнинг турғин юқори фаоллиги ва бўғимларда эрозияланишни эрта ривожланиш ҳолатларининг камайишига олиб келган (Nishimoto N., 2007, Finckh A. et al., 2010). Кейинги йилларда РА тарқалиши минтақадаги экологик вазиятга боғлиқлиги (Синяченко О. В., Петренко Е. А., 2011) ва атроф муҳитнинг кимё агентлар билан ифлосланиши касаллик кечишига ва оқибатига салбий таъсир кўрсатиши аниқланган (Герасименко А.М., 2009).

Ўзбекистонда сўнгги йилларда мавжуд адабиётларда кўплаб тиббий-географик йўналишдаги илмий ишлар амалга оширилганлиги кўрсатилган. Уларда асосан касалликнинг муайян гуруҳлари, ёки алоҳида олинган худудлар, ёки аҳолининг маълум қисми ўрганилган. Уларда келтирилган хулосалар кардиореспиратор касалликлар (Каландаров Д.М., 2001; Янбаева Х. И., 2003; Турсунов Х.Х., 2008), хусусан бронх ўпка патологияларининг ривожланишини иқлимий патогенетик механизмлари ҳақида (Ибрагимова Н.М., 2004; Шокирова Ш.Т., 2004) шаклланган муайян илмий қарашларни тушунишга имкон яратган.

Бироқ илмий адабиётлардан келтирилган маълумотлардан кўришиб турибдики, Ўзбекистоннинг иқлимий географик ва экологик ҳудудларига боғлиқ ҳолда РАнинг кечишини ўзига хослиги ўрганилмаган, мамлакатимизнинг яшаш ҳудудларига боғлиқ ҳолда атмосфера хавоси, тупроқ ва сувни таркиби билан РАга чалинган беморлардаги клиник белгилар ўртасидаги боғлиқликнинг сабаби аниқланмаган, жумладан, юқорида келтирилган омилларни аёллар жинсий гормонларига ва иммун ҳолатига таъсири, РАни кечишига барқарор салбий таъсири бўйича хавф минтақалари аниқланмаган. Шунингдек, умумий амалиёт шифокорлари фаолиятида РАга чалинган беморларда профилактика ва реабилитация чора тадбирлари негизида прогестерон етишмовчилигини мувофиқлаштириш масалаларига эътибор қаратилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан

боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Ички касалликларда ташхислаш ва даволаш самарадорлигини оширишнинг янги йўллари қидириш. Профилактиканинг рационал йўллари» (2008-2015) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ташқи муҳит омиллари таъсирида ревматоид артритда клиник-функционал бузилишларни аниқлаш ва шу касалликда профилактика-даво тадбирларни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Хоразм, Наманган, Сурхондарё вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги беморлар орасида касалликнинг кечиши, оқибати ва коморбидлигини ретроспектив ва проспектив таҳлил қилиш;

Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида ревматоид артритни кечишига таъсир қилувчи устувор клиник белгиларни проспектив кузатиш негизида асослаш;

Ўзбекистоннинг турли иқлимий географик ва экологик ҳудудларида яшовчи ревматоид артритга чалинган беморлар иммун ҳолати кўрсаткичларини солиштирма таҳлил қилиш;

Ўзбекистоннинг турли иқлимий географик ва экологик ҳудудларига боғлиқ ҳолда ревматоид артритга чалинган репродуктив ёшдаги аёлларни қон зардобида хайз цикли фазасига мувофиқ жинсий гормонлар ўзгаришини аниқлаш;

ревматоид артритга чалинган, репродуктив ёшдаги аёллар жинсий гормонларини ўзгариши негизида иммун кўрсаткичлар динамикасини таҳлил қилиш;

Хоразм, Наманган, Сурхондарё вилоятлари ва Тошкент шаҳрининг иқлимий географик ва экологик салбий омилларини ревматоид артритнинг кечишига таъсирини аниқлаш;

умумий амалиёт шифокор фаолиятида ревматоид артритга чалинган беморларда прогестерон етишмовчилигини коррекциялаш негизида ўтказилган профилактика реабилитация тадбирлари самарадорлигини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 460 нафар РАга чалинган беморлар ва 20 нафар соғлом шахс (назорат гуруҳи) олинган.

Тадқиқотнинг предмети капилляр қон, веноз қон, биокимёвий, иммунгормонал текширувлар учун қон зардоби ҳамда пешоб.

Тадқиқотнинг усуллари. Умумклиник, клиник-функционал, биокимёвий, рентгенологик, сонографик, иммунологик, гормонал текширувлар ва сўровномалардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ревматоид артритда бўғим синдроми, унинг агрессивлиги ривожланишидаги эрта деструкцияланиш механизми асосланган ва унинг авжланишида ксенобиотиклар (Al ва Ni) роли исботланган;

ревматоид артритга чалинган репродуктив ёшдаги аёлларда гипопрогестеронемия негизида хужайравий химояланиш жараёни ва

улардаги дифференцияловчи антигенлар (CD11b+, CD18+, CD25+ ва CD95+) экспрессиясидаги бузилишлари аниқланган;

ревматоид артритда водород фториди (FH) юкламаси негизида Т-хужайралар апоптозининг ҳаққоний авжланиши аниқланган ва унинг иммун тизими номуносивблигидаги ўрни асосланган;

ревматоид артритда беморлар яшаш жойига кўра клиник белгилари даражасининг динамикасини ўзига хослиги ва тизимланиш жараёнини шаклланишига олиб келувчи ташқи хавф омиллари (NO₂, FH, Cd, Al ва Pb) аниқланган;

ревматоид артритда турли иқлимий физик кўрсаткичлар (K_и, S, K_м ва K_{ўр}) негизида фаолланиш (DAS28 ва SDAI) ва клиник ремиссияланиш (2,6>DAS28>6 ой) жараёнини динамикаси орқали мазкур касалликка иқлимнинг қулайлик даражалари ишлаб чиқилган;

ревматоид артритда профилактика реабилитация тадбирлари негизида прогестерон танқислигини коррекциялашнинг аҳамияти асосланган ва ушбу тактика узоқ клиник ремиссияланишни таъминлаши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тадқиқот натижаларига асосланиб иқлимий географик ва экологик омилларни касалликнинг фаоллик даражаси ҳамда авж олиб боришига салбий таъсири бўйича хавф минтақалари аниқланган;

клиник, лаборатор, рентгенологик ва иммунгормонал комплекс текширув асосида олинган натижалар Ўзбекистоннинг муайян иқлимий географик ва экологик ҳудудига РАнинг ривожланиб бориши боғлиқлигини кўрсатади ва бунинг негизида тиббиёт ҳамда давлат миқёсидаги устувор вазибаларни ишлаб чиқишга, шунингдек, ушбу касалликнинг махсус профилактикасини кенгайтириш учун замин яратилган;

РАда прогестерон етишмовчилигини коррекцияси касалликнинг иккиламчи профилактикасини мувофиқлаштиришда амалий аҳамиятга эга эканлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, ревматоид артири билан касланган бемор сонининг етарли эканлиги билан асосланган, шунингдек, кенг қамровли клиник диагностик, иммунологик, гормонал, санитар-гигиеник кўрсаткичларга статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларнинг илмий аҳамияти асосланган хулоса ва таклифлар замида мамлакатимиз турли ҳудудларидаги иқлим-географик ва экологик омилларни салбий таъсирида РА ўзига хос клиник кўриниши ва касаллик кечишини шаклланиш жараёни, ревматология амалиёти ва умумий амалиёт шифокори фаолиятида РАга чалинган беморларга даволаш ва профилактика ёрдами кўрсатиш масалалари бўйича илмий тадқиқотларни такомиллаштирилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларнинг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган иқлимнинг қулайлик даражалари ва хавф минтақалари асосида РАнинг фаолланиши ва

авжланишини прогнозлаш имкониятини яратиш билан белгиланади ҳамда РАга чалинган аёлларда жинсий гормонлар номуносивблигини кузатилиши туфайли прогестерон етишмовчилигини коррекциялаш касалликнинг клиник кечишини яхшиланиши ва Т-хужайравий иммунитетнинг мувозанатлашувини таъминлаши, пировардида эса касалликнинг ремиссияланиш даври узайиши ҳамда беморларнинг ҳаёт сифати яхшиланишида хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. РАга чалинган беморларда яшаш минтақаларидаги клиник хусусиятлари бўйича олинган натижалар асосида:

«Умумий шифокор амалиётида ревматоид артритга чалинган беморларда стационарлараро даврда патогенетик даво негизида реабилитация тадбирлар дастури» услубий тавсиянома умумий амалиёт шифокорлари учун ишлаб чиқилган ва расмийлаштирилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 30 мартдаги 8Н-д/20-сон маълумотномаси);

ревматоид артритда профилактик тадбирлари негизида прогестерон етишмовчилигини коррекциялаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш тизимига, жумладан Тошкент шаҳридаги 9 ва 20 сонли оилавий поликлиникалар амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 30 мартдаги 8Н-д/20-сон маълумотномаси) амалиётга жорий қилинган тавсиялар натижасида РАнинг касаллик клиник ремиссиясини 64% ва унинг барқарорлиги 61,3% гача эришишни таъминлаб, беморларнинг соғлиғидаги муоммолари юзасидан мурожаатлар сонини 45,4% ва уларда шифохонада даволаниш эҳтиёжини 32,8%гача камайтирган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 11 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамалардан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 45 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 17 та мақола, жумладан, 13 таси республика ҳамда 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, етти боб, хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 200 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш,

нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ташқи муҳит омилларини ревматоид артрит кечишига таъсирининг замонавий талқини**» деб номланган биринчи бобида РАни назарий томонлари таҳлили қилинган ва бу борада тадқиқотлар тизимлаштирилган, касалликни муҳим патогенетик жиҳатларининг замонавий таҳлили, унинг кечишига ташқи омилларнинг таъсири, шунингдек касаллик давоси ва профилактикасига замонавий ёндошувлар тизими тўлиқ ақс этирилган. РАнинг турли иқлим географик ва экологик ҳолатлардаги ўзига хослиги, касалликни ташхислаш тизими ва даволашнинг самарали усуллари ҳал этилмаган ва аниқлаштиришнинг талаб қилувчи қирралари белгилаб олинган.

Диссертациянинг «**Ревматоид артритни турли иқлим географик ва экологик ҳолатлардаги ўзига хос кечишини аниқлаш методологияси**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотда фойдаланилган материаллар ва усуллар тўлиқ баён этилган. Ушбу илмий изланиш жараёни Ўзбекистонда, яъни I ҳудуд шимолий – Тошкент шаҳри, II ҳудуд ғарбий - Хоразм вилояти, III ҳудуд шарқий - Наманган вилояти ва IV ҳудуд жанубий - Сурхандарё вилоятларида доимий яшаб келган РАга чалинган беморларда ўрганилган.

Қўйилган вазифаларни бажариш 4 босқичда амалга оширилган.

Биринчи босқичда РАга чалинган 2013 нафар беморларнинг амбулатор карталар ва шифохонада ётиб даволанган беморларнинг касаллик тарихидан кўчирмасини ретроспектив таҳлиliga асосланиб, касалликни клиник намоён бўлиши ўрганилган ва баҳоланган. Бунда I ҳудуд $n=461$, II ҳудуд $n=550$, III ҳудуд $n=504$ ва IV ҳудуд $n=498$ ни ташкил қилган.

Иккинчи босқичда РАнинг ишончли ташхиси (ACR/EULAR, 2010) мавжуд 18 ёшдан катта беморларни шифохонада даволаниш давомида проспектив кузатуви амалга оширилган. Бунда текширувга 460 нафар (I ҳудуд $n=144$; II ҳудуд $n=112$; III ҳудуд $n=104$ ва IV ҳудуд $n=100$) РАга чалинган $40,6 \pm 9,1$ ёшдаги беморлар жалб қилиниб, уларда касалликнинг кечиш давомийлиги $9,9 \pm 4,7$ йилни ташкил этган. РАнинг ташхиси шубҳали бўлган, бошқа ҳудуддан келган беморлар текширувга олинмаган.

Учинчи босқичда иммунологик ва аёллар жинсий гормонлари текширувларга асосланиб солиштирма таҳлил ўтказилган. Текширув 120 нафар РАга чалинган (I ҳудуд – $n=30$; II ҳудуд – $n=30$; III ҳудуд – $n=30$ ва IV ҳудуд – $n=30$) 34 дан 47 ёшгача (ўртача ёш $38,5 \pm 4,1$) беморларни ўз ичига олиб, уларда касалликнинг давомийлиги $9,4 \pm 3,5$ йилни ташкил қилган. Назорат гуруҳига 20 нафар соғлом шахс жалб қилиниб, улар ёши ва жинси бўйича РАга чалинган беморлар билан мос келган (ўртача ёш $39,2 \pm 4,1$ йил). Тадқиқотга жалб қилинганларда иммун ҳолат моноклонал антителани қўллаш усулида ўрганилган. Гормонал текширувлар, яъни прогестерон ва эстрадиолни миқдорий аниқлаш иммунфермент таҳлил усули ёрдамида амалга оширилган.

Тўртинчи босқичда тадқиқот профилактика ва даво негизида ўтказилган. Кузатувга 180 та РАга чалинган беморлар жалб қилинган бўлиб, шундан 155

нафарини аёллар, 25 тасини эркаклар ташкил этган. Беморлар ёши 22 дан 47 гача ($36,7 \pm 3,9$), касаллик давомийлиги 8 ойдан 7 йилгача бўлган. Асосий гуруҳ (1-гуруҳ) 80 нафар РА мавжуд беморни, назорат яъни 2-гуруҳ 50 нафар ва 3-гуруҳ 50 нафар беморни ўз ичига олган. 1- ва 2- гуруҳдан фарқли равишда, 3-гуруҳни прогестерон етишмовчилиги кузатилмаган беморлар ташкил этган. Беморлар ёши, касаллик фаоллиги ва рентгенологик босқичи бўйича бир бирига яқин ҳолатда гуруҳларга ажратилган. Учта гуруҳ бир хил протокол асосида текширилган.

Барча беморлар клиник-лаборатор фаоллик даврда шифохона шароитида бўлишган. Амбулатория шароитида асосий гуруҳ беморларида умумий амалиёт шифокори томонидан даволаш профилактика тадбирлари олиб борилган. Бир вақтнинг ўзида барча беморларга касаллик-модификацияловчи антиревматик (базис) даво - цитостатиклар (метотрексат – 7,5–30 мг/ҳафтасига) ва аминохинолон қатори препаратлари, юқори фаолликда эса глюкокортикоидлар (преднизалон 10-25 мг) берилган.

Амбулатория шароитида УАШ томонидан йўлга қўйилган профилактика ва реабилитация тадбирлари – базис даво олаётган беморларнинг доимий назорати; фаол клиник-лаборатор даврда ўз вақтида фаол ёндашув (ревматологга юбориш ёки шифохона даволанишга юбориш); даволовчи жисмоний тарбия; ремиссия даврида физиотерапевтик муолажа; артрит (синовит)нинг яққол белгилари кузатилганда глюкокортикоидларни (бетаметазон) бўғим ичига юбориш; прогестерон етишмовчилигини коррекция қилиш; рухий қўллаб қувватлаш; ички-аъзолардаги ўзгаришларни специфик даволашдан иборат бўлган.

Прогестерон етишмовчилигини коррекциялаш мақсадида Дюфастон 10 мгдан 2 маҳал хайз циклининг 11- кунидан 25- кунигача 3 ой давомида қабул қилиш тавсия этилган.

2-гуруҳ беморларига 1-гуруҳдан фарқли равишда прогестерон танқислигини мувофиқлаштирувчи дори воситалари тавсия этилмаган. 3-гуруҳ учун эса фақат касалликни-модификацияловчи антиревматик (базис) даво-цитостатиклар (метотрексат – 7,5–30 мг/ҳафтасига) ва аминохинолон қатори препаратлари, юқори фаолликда эса глюкокортикоидлар (преднизалон 10-25 мг) буюрилган.

Натижалар таҳлили 3 йил давомида ҳаёт сифатини баҳолаш (SFB36), EULAR тавсияларига кўра DAS28 индекси, ACRнинг (ACR20, ACR50 ва ACR70) ижобий динамикасини % бўйича баҳолаш ва Health Assessment Questionnaire (HAQ) соғломлик ҳолати индекси сўровномаси асосида олиб борилган.

Иқлимий географик ва экологик кўрсаткичлар тўғрисидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги гидрометеорологик марказ (Ўзгидромет) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ҳисоботи ва расмий ҳужжатлари, шунингдек 2008-2013 йиллардаги санитария эпидемиология назоратининг лаборатор текширув таҳлилларидан олинган. РАнинг кечишига иқлимий географик ҳамда экологик омилларнинг таъсирини ўрганиш

мақсадида юқорида келтирилган барча босқичларда олинган натижалар ўртасидаги дисперсион ва корреляцион таҳлил ўтказилган. Ўзбекистоннинг иқлимий географик ҳудудларини таҳлили учун тадқиқот яққол аҳамиятли бўлган иқлим кўрсаткичларга ажратиб чиқилган. Шу сабабли баҳолаш иқлим қулайлигини (Архипова И. В., 2005) аниқлашга қаратилган. Бунинг учун – K_i –об-ҳаво ўзгариши индекси; S –об-ҳаво қаттиқлиги кўрсаткичи; меъёрий эквивалент самарали ҳарорат (МЭСХ); K_m – атмосфера тозаланишининг иқлимий потенциали ва $K_{ур}$ –иқлимий ўртача умумий индекси ҳисобланган.

Юқорида келтирилган ҳудудлардаги экологик шароит ҳолати, яъни атроф муҳит (ксенобиотиклар билан) ифлосланишининг учта объектига – атмосфера ҳавоси (ψ), сув (σ) ва тупроққа (ω) юклама кўрсаткичлари асосида баҳоланган.

Тадқиқотлардан олинган натижаларга Pentium IV компьютерида Microsoft Office Excel 2013 дастурий тўплами ёрдамида ҳамда ўрнатилган статистик ишлов бериш усулларида фойдаланилган ҳолда статистик ишлов берилди. Корреляцион таҳлилда Пирсон (r) даражали корреляция ва Спирмен корреляциясидан фойдаланилган. Шунда ҳудудлар орасида фарқланиш шартли белгилар, яъни: * - I ва II, # - I ва III; \$ - II ва III; & - I ва IV; ® - II ва IV; J - III ва IV ҳудудлар солиштирилганда қўлланилган.

Диссертациянинг «**Ўзбекистоннинг турли иқлимий-географик ва экологик ҳудудларида ревматоид артритнинг кечишини рестроспектив баҳолаш**» деб номланган учинчи бобида 2013 РАга чалинган беморларнинг тиббий хужжатларидан маълумотлар келтирилган. Таҳлилга кўра, III ҳудудда РАга чалинган беморлар орасида 60 ёшдан катта бўлганлари - 36% ва IV ҳудудда 40 ёшдан кичик беморлар - 50%ни ташкил қилган. Ўз навбатида, хужжатларга кўра, I ва II ҳудуддаги беморларнинг 72% ва 60% мос равишда аксарияти 40-60 ёшда бўлганлиги қайд этилган. Ўрганилган хужжатларга кўра 89,9% аёллардан иборат. Аёл ва эркеклар нисбати – 8,9:1 га тенг. Беморларнинг жинсий бўлиниш бўйича ҳудудлар орасида ишончли фарқланиш аниқланмаган, бу эса Ўзбекистонда РА кўпроқ “аёллар” касаллиги эканлигидан далолат берган.

Олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, клиник кечиши бўйича РА гетероген ревматик касаллик ҳисобланади. Ретроспектив таҳлил асосида касалликнинг ўзгарувчанлиги унинг бошланғич даврларидаёқ юзага чиқиши ҳамда ушбу ўзгаришлар аста секин ёки тез суъратларда ривожланиб бориши мумкинлигини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим. Ўрганилган бўғимларнинг рентгенограммаларига кўра, II ва IV ҳудудларда РАга чалинган беморларда рентгенологик ўзгаришлар тез суъратларда авж олиб бораётган қайталанувчи фаоллик билан кечган (50,3%; $p < 0,005^*$, $p < 0,05^s$ ва 74,8% $p < 0,002^{\&}$, $p < 0,001^J$ мос равишда). Ўз навбатида, III ҳудудда 55,1% ($p < 0,05^s$; $p < 0,02^{\&}$) секин рентгенологик авжланишга мойил бўлган фаоллик аниқланган.

Ретроспектив текширув натижалари кўра, турли ҳудудларда РАнинг бўғимдан ташқари кўринишлари бўйича ҳам фарқлик мавжуд. Бунда касалликнинг висцерал шакли II ҳудудда 49% ва IV ҳудудда 60,2% юқори кўрсаткичлар билан ажралиб турган. Таъкидлаш жоизки, IV ҳудудда

репродуктив тизим бузилиши устун бўлиб, 70,3% ни ташкил қилган ($p < 0,002^{\&}$; $p < 0,001^J$).

Олинган маълумотларни ўрганиш асосида IV ҳудуддаги беморларни йил давомида шифохонада даволанишга муҳтожлиги юқори эканлиги аниқланган (42,4%; $p < 0,05^J$), I ва III ҳудудлар эса ремиссияланиш даврининг узоклиги билан ажралиб турган (41,7%; $p < 0,05^*$; $p < 0,02^{\&}$ ва 61,2%; $p < 0,02^S$; $p < 0,01^J$ мос равишда).

Ретроспектив таҳлилда ёндош касалликнинг учраш даражаси ва тузилишини ҳудудлараро хилма-хиллиги, хусусан IV ҳудуд бошқа ҳудудлардан полиморбидлик билан ажралиб туриб, яъни Чарлсон индексининг ишонарли юқорилиги билан фарқланган ($2,2 \pm 0,05$ балл, $p < 0,002^{\&}$; $p < 0,05^{\text{®}}$; $p < 0,001^J$). Ўтказилган таҳлил касалликнинг муҳим оқибатлари, жумладан рўйхатга олинган РАли беморларни турли сабабларга кўра ўлим даражаси Ўзбекистоннинг яшаш ҳудудига боғлиқлигини кўрсатди. Шундай қилиб, III ҳудуд касаллик оқибатига кўра нисбатан ижобий эканлиги, II ҳудудда эса 3,5% ($p < 0,02^*$; $p < 0,05^S$) беморларда ўлим ҳолатлари ва 5,5% ($p < 0,005^*$; $p < 0,002^S$; $p < 0,002^{\text{®}}$) сон суяги бошчасининг асептик некрози ҳамда деструктив зарарланиши кузатилган. Ўз навбатида, I ҳудудда йирик бўғимлардаги суякларнинг зарарланиш ҳолатининг кўпроқ ва суякларни ўз-ўзидан синиш вазиятининг камроқ учраши билан фарқланган. Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, IV ҳудудда касалликнинг кечишида амилоидоз юзага чиқишининг юқорилиги (9,2%; $p < 0,005^{\&}$; $p < 0,002^J$) ва ўлим ҳолатлари (8%; $p < 0,001^{\&}$; $p < 0,05^{\text{®}}$; $p < 0,005^J$), хусусан буйрак етишмовчилиги ва глюкокортикоидларнинг асоратларни юзага келиши ($p < 0,001^{\&}$; $p < 0,05^{\text{®}}$; $p < 0,005^J$) бўйича “ёмон сифатли” кечиши қайд қилинган.

Демак, ретроспектив таҳлилга асосланиб шуни ҳулоса қилиш мумкинки, РАнинг оқибатлари Ўзбекистоннинг тўрта ҳудудида фарқланади.


Диссертациянинг «**Ўзбекистоннинг иқлимий-географик ва экологик ҳудудларида ревматоид артрит кечишини ўзига хос хусусиятлари**» деб номланган тўртинчи бобда касалликнинг клиник кўринишини проспектив таҳлили акс эттирилган.

РА турли клиник кўришларда кечиши, унинг гетерогенлигини илдизли сабабини аниқлаш албатта беморларнинг яшаш ҳудудларидаги ўзига хос шароит, ташқи омиллар негизда касалликнинг кечишини кенг қиррали ўрганишдан иборатдир. Ҳақиқатан, мамлакатимизнинг турли иқлимий-географик ва экологик вазиятдаги ҳудудларда РАни авжланиши, бўғим синдроми ва унинг функционал имкониятларнинг чегараланиши билан бир биридан яққол фарқланиб турди.

Таққослама таҳлиллар шуни кўрсатдики, II ва IV ҳудуддаги РАга чалинган беморларда I ва III ҳудуддагиларга нисбатан бўғим синдроми ўзининг яққоллиги ва агрессивлиги билан ажралиб турди. Бу ўзига хослик беморларни бўғимдаги шиш ҳамда оғриқлар сони ортиши ($p < 0,05$), эрталабки қарахтлиликнинг давомийлиги ($p < 0,05^S$ ва $p < 0,05^J$) ва DAS 28 индексида ўз аксини топди ($p < 0,05$).

Шу билан бир қаторда, бўғим синдромини агрессив кечиш негизида функционал имкониятлар чегараланиб борган. Демак, II ва IV ҳудудларда НАQ индекси ёмон томонга ўзгарган, бу эса беш йил давомида функционал бузилишларни кучайиб боришидан далолат беради ($p < 0,05$).

Бизнинг тадқиқот натижаларига кўра, РАга чалинган беморлардаги кузатилаётган агрессив бўғим синдроми, касалликнинг бошланишидан рентгенологик ўзгаришларнинг динамикасини ўрганишдаги аниқланган эрта эрозияланиш ва унинг негизидаги бўғимнинг деструкцияланишини эрта ривожланиши ($p < 0,05^s$ ва $p < 0,05^j$) билан боғлиқдир. Бунда касалликлик бошлангандан $3,1 \pm 0,04$ ва $2,7 \pm 0,42$ йил ($p < 0,05^s$ ва $p < 0,05^j$; мос равишда) ичида уларда анкилоз қайд этилган. Шу билан бир қаторда, проспектив кузатувда, яъни беш йилгача бўлган муддатда амалга оширилган рентгенологик таҳлилнинг (Ларсен индекси – II ва IV ҳудудларда 25,4 ва 22,9 балл; I ва III ҳудудларда эса мос равишда 15,2 ҳамда 11,8 балл) солиштирма натижаларидаги ҳудудлар ўртасидаги топилган фарқликлар ҳам эрта деструкцияланиш ($p < 0,02^*$; $p < 0,05^&$; $p < 0,05^s$; $p < 0,05^j$) ривожланишини исботлади (1-расм).



1-расм. Рентгенологик авжланиш динамикаси (Ларсен индекси)

Ўз навбатида, I ва III ҳудудлари учун рентгенологик белгиларнинг секин авж олиб бориши ва динамикада касаллик фаоллигини камайиши бўлса, II ва IV ҳудудларда эса бўғим синдромини агрессивлиги рентгенологик ўзгаришларнинг тез суъратларда авж олиши ҳамда динамикада қайталанувчи фаоллик ($p < 0,02^*$; $p < 0,05^s$; $p < 0,02^&$; $p < 0,01^j$) билан тавсифланади. Бундан ташқари, клиник-рентгенологик ҳамда сонографик солиштирма текширув натижаларига кўра, II ва IV ҳудудларда тендовагинит, тизимли остеопороз ва Бейкер кисталарининг учраши бўйича устунлик кузатилган ($p < 0,05$).

Тадқиқот натижалари ҳар хил иқлим-географик ва экологик вазиятдаги ҳудудларда РАнинг бўғимдан ташқари белгилари ва касалликни тизимли кечиш жараёни турлича турлича бўлишини кўрсатди. Бунда III ҳудуд учун (11,5%) РАни тизимли кечишини камроқ учраши хос бўлса, II ва IV ҳудудларда эса у ишонарли даражада (52,7% ва 64% мос равишда; $p < 0,05$) устунлик қилган. Шу билан бир қаторда, IV ҳудудда РАга чалинган аёлларнинг репродуктив тизимидаги бузилиш ҳолатлари 79%, I ҳудудда 38,2% ($p < 0,001^{\&}$) ва III ҳудудда 48,1 % га ($p < 0,001^J$) тенг бўлган.

Шундай қилиб, РА кечиши Ўзбекистоннинг турли иқлимий географик ва экологик ҳудудларига боғлиқ ва бунда II ва IV ҳудудларда бўғим синдромининг агрессивлиги, унинг эрта деструктланиши билан намоён бўладиган гетероген касаллик ҳисобланади.

Диссертациянинг «**Иммунгормонал текширувлар**» деб номланган бешинчи бобида РАга чалинган беморларда иммун кўрсаткичлар ва аёллар жинсий гормонларининг ҳудудлар ўртасидаги қиёсий хулосалари келтирилган.

Маълумки, РАнинг патогенези ва ривожланишида лимфоцитлар ҳамда цитокинларга муҳим ўрин ажратилади. Бироқ, лимфоцитар тизими рецепторларининг молекуляр ҳолати ўрганилмаган ҳамда уларнинг РАда аҳамияти ҳақида маълумот етарлича эмаслиги муаммонинг долзарблигини англатади. Бундан ташқари, ушбу касалликдаги иммун тизимдаги силжишлари юзасидан бир бирига зид турли фикрлар мавжуд. Бизнинг фикримизча, РАда иммун силжишлар турлича бўлиши ушбу тизимга таъсир қилувчи ташқи омилларни олимлар томондан инобатга олмаслик билан боғлиқдир. Шунинг учун РАга чалинган беморларнинг иммун тизими республикамиз иқлим ва экологик шароити билан боғлиқ ҳолда ўрганилган илк илмий иш ҳисобланади.

Текширув натижаларига кўра, РАдаги аутоиммун жараён даражаси беморларнинг яшаш жойига боғлиқ. Бу тадқиқотга жалб қилинган тўртта ҳудуднинг иммун ҳолатидаги Т-ҳужайралар таркибида улар ўртасида етарлича тафовут борлигида ўз аксини топган (1-жадвал). Гарчи II ва IV ҳудудларда I ва III ҳудудлардан фарқли ўлароқ Т-лимфоцитларнинг умумий миқдори ($p < 0,05$ ва $p < 0,02$ мос равишда) ва уларнинг субпопуляцияларидан Т-хелпер ($P < 0,05$) ҳамда Т-супрессорлар ($p < 0,02$ ва $p < 0,05$ мос равишда) яққол камайиши ушбу минтақада РА аутоиммун жараёнини кескинлашуви билан кечишидан далолат беради.

Маълумки, РАга чалинган беморларда гуморал иммунитетини фаоллашуви кузатилади, яъни бунда периферик қонда В-лимфоцитлар миқдори ошиши негизда циркуляциядаги иммун комплекслар кўпайиб боради. Бироқ, бизнинг илмий иш натижаларида IV ҳудуддан ташқари барча ҳудудлардаги беморларда В-лимфоцитлар умумий миқдори камайиши кузатилган. Ўз навбатида, 1-жадвалдан кўриниб туридики, В-лимфоцитлар субпопуляцияларининг ҳудудларда беморларнинг яшаш жойига мувофиқ яққол фарқ қилиши иммун силжишлар, яъни иммун номутаносибликнинг ташқи хавф омилларига таъсирчанлигини инкор қилишни тақоза қилади. Шу

билан бирга, маълумки, табиий киллерлар (ТК) Т-хужайралар пролиферациясини тезлаштиради ва В-лимфоцитлар шаклланишини ҳамда антитаначалар ҳосил бўлишини аксинча сусайтиради. Ваҳоланки, III худудда бошқа худудлардан фарқли равишда унинг силжимаганлиги ушбу минтақада РАга чалинган беморларда иммун тизимини яққол таранглашмаслигидан далолат беради.

1-жадвал

Ўрганилган худудлар бўйича иммун тизим кўрсаткичлари

Кўрсаткич	Соғлом (n=20)	I худуд (n=30)	II худуд (n=30)	III худуд (n=30)	IV худуд (n=30)	P
Т-лимфоцит	69,4±5,1	66,8±7,64	51,1±3,22 ⁱ	66,6±5,76	41,4±3,35 ⁱⁱ	<0,05 ^{&} ; <0,05 ^J
В-лимфоцит	16,5±2,92	14,6±2,1	13,5±1,73	14,3±1,42	21,5±3,8 ⁱ	<0,05 ^{&} ; <0,05 ^{\$} ; <0,05 ^J
Т-хелперлар	37,5±2,43	39,1±5,6	23,2±2,4 ⁱ	39,6±3,65	20,1±2,2 ⁱ	<0,05 [*] ; <0,02 ^{&} ; <0,02 ^{\$}
Т-супрессор	16,8±1,12	17,8±2,9	10,1±0,92 ⁱⁱ	14,2±3,31	11,4±0,55 ⁱ	<0,05 [*] ; <0,05 ^{&}
V _γ -лимфоцит	9,1±2,4	8,2± 2,42	7,3±1,67	7,4±2,52	4,1±1,2 ⁱⁱⁱ	<0,05 ^{&} ; <0,05 [®] ; <0,05 ^J
V _μ -лимфоцит	4,4±0,25	6,7 ± 0,9	6,9±0,3 ⁱ	6,2 ± 1,12	7,2±1,12 ⁱⁱ	-
ТК	8,9±0,31	6,7±0,25	4,2±0, 5	7,1±0,12	4,1±0,41	<0,05 ^{\$} ; <0,05 ^J
CD11b+	39,4±3,4	36,3±2,81	28,2±2,4 ⁱ	35,5±3,4	24,2±1,51 ⁱ	<0,05 ^{&}
CD 18+	98,8±6,5	93,1±6,8	73,9±4,7 ⁱ	88,4±5,9	60,1±3,45 ⁱ	<0,05 ^{&} ; <0,05 ^J
CD 25+	45,9±4,3	38,9±4,9	32,2 ±3,7 ⁱ	37,7±5,52	29,5 ±2,87 ⁱ	-
CD 95+	59,1±4,2	54,5±3,9	42,4±4,6 ⁱ	48,9±5,3	28,4±2,34 ⁱⁱⁱ	<0,02 ^{&} ; <0,05 [®] ; <0,02 ^J

Изоҳ: статистик ишончлилик даражаси: * - I ва II худудлараро; # - I ва III худудлараро; \$ - II ва III худудлараро; & - I ва IV худудлараро; ® - II ва IV худудлараро; J - III ва IV худудлараро ўртасидаги белги. Соғлом гуруҳига нисбатан: p<0,05ⁱ, p<0,02ⁱ, p<0,01ⁱⁱ.

Маълумки, Т- ва В-лимфоцитлар юзасидаги дифференцирловчи антигенларни аниқлаш иммунокомпетент хужайраларнинг шаклланиш даражасини кўрсатиб беради. Шунинг учун, бу патогенизида аутоиммун жараён ётган РАда уларнинг экспрессиясидаги силжишларни минтақавий ўзига хос хусусиятларини аниқлашга имконият яратади ва бу Ўзбекистонда илк бор амалга оширилган. Бунда ўзида адгезия молекуласига CD 11b+ ва CD 18+ ҳамда фаоллашган Т-лимфоцитларда интерлейкин-2 рецептори эга бўлган – CD 25+ хужайраларни ўрганиш орқали яллиғланиш олди жараёнини баҳолаш

мумкин. CD 95 +, яъни апоптозга чақирувчи молекулага эга бўлган ҳужайралар миқдорини аниқлаш орқали эса иммунтанқисликни оғирлик даражасига баҳо бериш мумкин.

Дарҳақиқат, бажарилган тадқиқот натижаларга кўра (1-жадвал), ҳудудларга боғлиқ равишда уларни экспрессиясидаги силжишлари аниқланиб, улар II ва IV ҳудуд беморларида камайган ($p < 0,05$). Айниқса IV ҳудуд РАга чалинган беморларда CD 95 + ҳужайралар икки баробар ($p < 0,001$) камайиши қайд этилган. Бу эса аутоиммун жараён чуқурлигини англатади. Ўз навбатида, II ҳудуддан бошқа барча РАга чалинган беморларда I синф гистомувофик (HLA-1) антигенлари мономорф детерминантларининг камайиши кузатилди ($p < 0,05$), аксинча II синф гистомувофиклик антигени (HLA DR) эса ушбу ҳудудда бошқа гуруҳларга нисбатан баланд бўлиши аниқланган. IV ҳудудда эса ушбу антиген кўрсаткичларини паст даражалиги қайд этилган ($p < 0,05$).

Шуни таъкидлаш жоизки, РАнинг ривожланишига фақат аутоиммун жараён билан боғлиқ алоҳида тушунча батафсил жавоб бера олмайди. Касалликнинг эркакларга нисбатан аёлларда кўпроқ учраши унинг ривожланишида жинсий гормонлар аҳамияти юқори эканлигидан далолат беради. Дарҳақиқат, бизнинг текширишимизда (2-жадвал) аёллар жинсий гормонларининг номутаносиблиги, хусусан II ва IV ҳудудлардаги аёлларда эстроген ва айниқса прогестерон миқдорининг камайганлиги аниқланди ($p < 0,05$).

Иммун тизим ва аёллар жинсий гормонлари орасида ўтказилган корреляцион таҳлил шуни кўрсатдики, РАга чалинган репродуктив ёшдаги аёлларда гипопрогестеронемия негизида Т-бўғини ва табиий киллерлар сони камаяди, яъни ҳужайравий ҳимояланиш жараёни ҳамда улардаги дифференцияловчи антигенлар (CD 11b+, CD 18+, CD 25+ ва CD 95+) экспрессиясидаги бузилишлар кузатилади. Бу эса иммун номутаносибликни янада оғирлашуви ва аутоиммун жараённи кескинлашуvidан далолат беради.

2-жадвал

Аёллар жинсий гормонларининг ўзгариши (пг/мл)


Кўрсаткич	Хайз цикли фазаси	Соғлом n=20	I ҳудуд n=30	II ҳудуд n=30	III ҳудуд n=30	IV ҳудуд n=30
Прогестерон	I фаза	1,2±0,03	0,9±0,03	0,05±0,02**	0,9±0,03	0,04±0,02**
	II фаза	20,7±2,16	18,9±2,55	1,6±0,07**	17,9 ± 3,1	1,8±0,05**
Эстрадиол	I фаза	117,8±30,2	99,8±31,3	50,9±11,5*	93,1±41,3	53,1±9,3*
	II фаза	98,1±14,4	78,3±19,7	25,1±5,34**	145,1±14,4*	23,7±5,31**

Изоҳ: * - фарқлар соғлом гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (* - $p < 0,05$, ** - $p < 0,01$)

Шундай қилиб, I ва III ҳудудларга нисбатан II ва IV ҳудудлардаги РАга чалинган беморларда аутоиммун жараёни кескинлиги, шунингдек аёллар жинсий гормонлари сўниши билан фарқланади.

Диссертациянинг «Ревматоид артрит кечишига иқлим географик ва экологик омилларнинг таъсири» деб номланган олтинчи бобида турли иқлим ва ксенобиотикларни касалликнинг клиник белгилари даражасининг динамикасига ва тизимланиш жараёни ҳолатига таъсири акс эттирилган. Маълумки, РАга чалинган беморлар йил мавсумларидаги об-ҳаво ўзгаришларга метеологик сезувчанлиги билан ажралиб туради. Ушбу илмий ишда турли иқлимий физик кўрсаткичлари (K_i , S , K_m ва $K_{\text{ўр}}$) силжишларини РАнинг клиник кечиши ва индикаторларга таъсири ўрганилиб, улар асосида Ўзбекистон шароитида илк маротаба мазкур касалликка нисбатан иқлимни қулайлик даражалари ишлаб чиқилган.

Текширув натижасида ёзнинг иссиқ ва қуруқ ҳавоси, 40°C ($r=-0,73$) дан юқори ҳарорат, паст намгарчилик $f<80\%$ ($r=-0,8$), ҳамда қуёш радиациясининг интенсивлиги ($r=-0,77$) касаллик кечишига ижобий таъсир кўрсатиши аниқланган. II ҳудудда ёғингарчиликка бой мавсумлар негизида ($Ob\geq 56$. $r=0,71$; $p<0,05$) $K_i=55\%-65\%$ ($r=0,63$; $p<0,05$) ва $S=3,00-3,2$ ($r=0,77$; $p<0,05$) бўлиши эса беморларнинг шифокорга мурожаати ва шифохона шароитида даволаниш сонини ортишига олиб келган ($r=0,79$; $p<0,05$).



2-расм. Кўр турли кўрсаткичлар негизида DAS 28 динамикаси

Иқлим омилларининг РА фаоллигига таъсири шуни кўрсатадики, $K_{\text{ўр}}$ нинг камайиши натижасида DAS28 ортади (2-расм), яъни кўрсаткичлар ўртасида манфий корреляцион боғланиш юзага келади ($r=-0,8$; $p<0,05$). 40°C дан юқори ҳарорат ($r=-0,73$), паст намлик $f<80\%$ ($r=-0,8$) ва юқори қуёш радиацияси ($r=-0,77$) натижасида SDAI индекси ўзгаради, яъни июл ойидаги

ҳароратнинг баланд бўлиши, намликнинг камайиши ва қуёш радиациясининг кўпайиши натижасида SDAI нинг фаоллиги пасаяди.

Олинган натижаларга асосланиб, ўзаро боғлиқлик ҳамда уларнинг давомийлиги бўйича физик кўрсаткичлар ва иқлим индекслари негизида касалликка нисбатан иқлимни қулайлик даражаларига ажратилган:

қулай иқлим даражаси – унга қуйидаги кўрсаткичлар хос: иқлим ўртача индекси ($K_{\text{ўр}}$) 3,25 дан юқори; иқлим ўзгарувчанлик индекси (K_i) 40%дан кам; ҳаво намлиги f 70% дан паст ва ҳаво ҳарорати 40°C дан юқори. Қулай иқлим даражаси РАнинг клиник авжланишига таъсир қилмайди, лекин клиник ремиссияланишнинг давомийлигига ижобий таъсир кўрсатади.

мўътадил иқлим даражаси – унга қуйидаги кўрсаткичлар хос: иқлим ўртача индекси ($K_{\text{ўр}}$) 3,19 - 3,25 оралиғи; иқлим ўзгарувчанлик индекси (K_i) 40-45% оралиғи; ҳаво намлиги f 80% дан паст ва ҳаво ҳарорати 40°C дан юқори. Мўътадил иқлим даражаси РАнинг клиник авжланишига таъсир қилмайди, лекин фаолланишига таъсир кўрсатади.


ноқулай иқлим даражаси – унга қуйидаги кўрсаткичлар хос: иқлим ўртача индекси ($K_{\text{ўр}}$) 3,19 дан паст; иқлим ўзгарувчанлик индекси (K_i) 45% юқори; ҳаво намлиги f 80% дан баланд. Ноқулай иқлим даражаси касаллик РАнинг клиник авжланишига салбий таъсир кўрсатади, яъни унинг негизида клиник фаолланиш кучаяди ва аксинча ремиссия даври камаяди.

Атмосфера (ψ), сув (σ) ва тупроқ (ω) ифлосланишига сабабчи бўлаётган кимёвий моддалар ичидан хавф туғдирувчи омилларни ажратиб олиш амалий аҳамият касб этади, чунончи бу РАнинг авжланиши, унинг ривожланиш механизми, бўғимлардаги анатомик дефект ёки ундаги деструкцияланиш жараёнларнинг турлича кечишидаги ўрнини аниқлаб беради. Тадқиқот натижаларига кўра, водород фторидини (FH) РАнинг кечишида ташқи хавф омили сифатида ўрни исботланди. Чунончи, унинг атмосфера ҳавосида (IV ҳудудда) техноген зўриқиши негизида касаллик фаолланиши ортиб боради (DAS28 ва SDAI; $p=0,024$) ва клиник ремиссияланиш даври яққол камайиши ($p=0,048$) кузатилади. Қолаверса, унинг миқдори ошганда РАда тизимланиш жараёнини ривожланиш, полиморбидлик ҳамда репродуктив фаолият бузилиш ҳолатларнинг учраш даражаси кўпаяди ва шу сабабли у салбий омил ҳисобланади. Ўз навбатида, у хелпер-супрессор даражасига таъсир қилиб, РА даги аутоиммун жараёни кескинлаштиради, яъни беморларда Т-лимфоцитлар умумий миқдори ($p=0,0302$), Т-хелпер ($p=0,041$) ва Т-супрессорлар ($p=0,045$) ишончли камаяди. Шу билан бир қаторда, унинг юкламаси негизида Т- хужайралар апоптози авжланади, яъни CD95+ хужайралар кескин камаяди ҳамда носпецифик ҳимоя омили фагоцитоз фаоллашади ($p=0,0481$) Бу эса унинг РАда иммун тизими номутаносиблигидаги ўрни борлигидан далолат беради.

Илмий иш натижасида кейинги аниқланган салбий омил бу олтингугурт диоксиди (SO_2) бўлиб, унинг ҳаводаги техноген зўриқишида шифохонадаги давога эҳтиёж кўпаяди ($p=0,048$) ва у Т-лимфоцит субпопуляцияларига ўз таъсирини кўрсатади. Ис газининг (CO) атмосферада миқдори кўпайиб бориши негизида эса касалликнинг фаолланиш даражасини ошиб боради (II

худуд; $p=0,041$). Шу билан бир қаторда, атмосферадаги чанг миқдорининг кўпайиши билан касалликнинг полиморбид ҳолатлари ошади (II худуд; $p=0,024$).

Ўз навбатида, РАни асосий клиник кўриниши, яъни бўғим синдроми сув ва тупроқнинг ифлосланиш даражасига боғлиқ бўлади. Бунда Al ва Ni миқдори юкламаси негизда унинг агрессивлик даражаси оғирлашади. Нининг аккумуляцияси ошиши (IV худудда) негизда бўғимлардаги анкилозли (РА нинг рентгенологик IV босқичи) ҳолат (3-расм) кучаяди ва айниқса Ларсен индекси динамикада ортиб боради ($p=0,0023^S$; $p=0,033^J$). Бу эса бўғим синдромининг агрессивлиги ривожланишидаги эрта деструкцияланиш механизми авжланашини англатади. Шуни айтиш жоизки, Al нинг аккумуляцияси ортиши негизда эса бўғимларда яллиғланиш жараёни кучайиб боради.



3-расм. РА даги рентгенологик ўзгаришларнинг тупроқдаги никел (Ni) G кўрсаткичидан боғлиқлиги

Шу билан бир қаторда, илмий ишимиз натижаларга кўра, бўғим синдромига таъсир қилувчи ташқи салбий омиллардан Znни ҳам ҳисоблаш мумкин, чунончи унинг етишмовчилиги (II ва IV худудларда) бўғимларнинг

функционал фаолиятини (HAQ индекси: $p=0,0034^s$; $p=0,043^j$) ёмонлашига ва Т-хужайравий иммунитет пасайишини кескинлашига ($p<0,05$) олиб келади.

Олинган натижаларимизга кўра, РАга чалинган беморларни яшаш ҳудудларида тупроқнинг шўрланиш даражаси ортиши (II ҳудуд) билан бўғимдаги анатомик дефект кучайиб боради, яъни тендовагинит ($p=0,033$), лигаментоз, Бейкер кистаси ($p=0,054$) ва Гофф таначалари ($p=0,023$) учраш даражаси кўпаяди. Қолаверса, тупроқнинг шўрланиш даражаси ошиши негизда II ҳудудда HLA DR ортади ($p=0,031$) ва сезиларли даражада тери васкулити учраши кўпаяди ($p=0,039$).

Бизнинг тадқиқотимиз РА нинг бўғимдан ташқари белгиларини учраш даражаси ёки тизимланиш жараёни атмосферадаги FНдан ташқари NO₂нинг миқдори ва тупроқда Cd, Al, Pb, F ва Ni, шунингдек шўрланиш даражасига боғлиқлигини аниқлади. Юқорида кўрсатиб ўтилган ксенобиотиклар негизда РАнинг тизимланиш жараёни авжланади ва шу сабабли II ва IV ҳудудларда касалликнинг бўғимдан ташқари кўринишларига нисбатан номуқобил минтақалар ҳисобланишини билдиради.


